

Ташаббускорлик талаби

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маҳаллий ҳамда ҳудудий Кенгашлари билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш ва ривожлантириш бўйича берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши ва Тошкент ирригатсия ва қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш муҳандислари институти бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда "Ёзни Камалак билан ўтказ" лойиҳаси доирасида Мирзо Улуғбек тумани 275-мактабда маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбир учун институт ёшлар иттифоқи фаоллари томонидан махсус дастур тузилиб болажонлар эътиборига ҳавола этилди. Институт раҳбариятига М.Улуғбек туман Кенгаши раиси Д.Ганийев ва мактаб директори ўқувчилар номидан миннатдорчилик билдиради.



Институт ёшлар иттифоқи "Ёшлар медиа клуби" раҳбари Улуғбек Манзирбоев ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов